

Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш

Маматов Собитжон,

«Экология ва сув ресурсларини бошқариш»

Кафедраси катта ўқитувчиси

Қишлоқ хўжалиги – сувдан фойдаланувчи

- Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёт тармоқлари ўртасида сувни энг кўп ишлатувчи соҳа саналади ва ўз эҳтиёжлари учун (дунё миқёсида) жами ишлатиладиган чучук сувларнинг ярмидан ортиғини ишлатади.
- Қурғоқчил минтақаларда жойлашган мамлакатларда қишлоқ хўжалигига янада кўпроқ, яъни жами сувларининг 2/3 қисми ёки ундан кўпроғи ишлатилади.
- Ўзбекистон шароитида жами ишлатиладиган сувларнинг қарийб 90%и қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади.
- Қишлоқ хўжалиги соҳасининг асосий йўналишлари:
 - a) чорвачилик;
 - b) дехқончилик (зироатчилик).

Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш

9-маъруза

Чорвачиликда сувдан фойдаланиш

Маматов Собитжон,
“Экология ва сув ресурсларини бошқариш”
кафедраси катта ўқитувчиси

Дарс режаси:

- 1. Чорвачилик турлари:**
 - а) яйлов чорвачилиги;**
 - б) чорвачилик мажмуалари.**
- 2. Яйлов чорвачилигига сувдан фойдаланиш.**
- 3. Яйлов чорвачилигини атроф-муҳитга таъсирлари ва уларни камайтириш**
- 4. Чорвачилик мажмуаларида сувдан фойдаланиш.**
- 5. Чорвачилик мажмуаларини атроф-муҳитга таъсирлари ва уларни камайтириш**

Чорвачилик турлари - яйлов чорвачилиги

- Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг қадими
соҳаларидан бўлиб, икки йўналишда ривожланади:
 - ✓ яйлов чорвачилиги;
 - ✓ чорва фермаларида чорвачилик.
- Яйлов чорвачилигига ҳайвонлар бутун йил давомида ёки йилнинг айрим даврларида табиий ўтлоқларда ҳайдаб боқилади.
- Яйлов чорвачилиги шароитида асосан қўйлар,
эчкилар, йилқилар, буғулар, туялар, баланд тоғларда
боқиладиган қўтослар ва кам ҳолатда йирик шохли
қорамоллар боқилади.

Яйлов чорвачилиги

- Ўзбекистон шароитида яйлов чорвачилиги асосан дашт ва ярим чўллар шароитида яхши ривожланган бўлиб, у ерларда қоракўл қўйлари, оддий қўйлар ва түялар ҳайдаб боқиласди.
- Нисбатан кам бўлган тоғли ҳудудларда эчкилар, қўйлар ва йилқилар ҳайдаб боқиласди.
- Яйлов чорвачилиги **сув истеъмолчилари** гурухига мансуб саналади.
- Яйлов чорвачилиги сув билан **биринчи навбатда** таъминланади.

Яйлов чорвачилиги – сув истеъмолчиси

- Яйлов чорвачилигига сув:
- ✓ чорва молларини суғориш;
- ✓ чорва молларини чўмилтириш;
- ✓ чорвадорларни ичимлик-хўжалик сув таъминоти;
- ✓ қиши мавсуми учун «захира» ем-хашак тайёрланадиган экин майдонларни суғориш учун ишлатилади.
- Чорва ҳайвонларининг сув истеъмоли меъёрлари чорва ҳайвонларининг тури ва ёшига боғлиқ тарзда тайинланади.
- Яйлов чорвачилигига чиқит сувлар миқдорларини аниқлаш ва ҳисоблаш ишлари бажарилмайди.

Яйлов чорвачилигида сув сифатига қўйиладиган талаблар

- ✓ Яйлов чорвачилигида ҳайвонларни суғориш учун ишлатиладиган сув тоза, тиниқ ва ҳайвонлар соғлиғига зарар етказмайдиган сифатда бўлиши лозим.
- ✓ Чорвадорлар учун мўлжалланган сувнинг сифати тўлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти O'zDSt 950:2011 “Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифати устидан назорат” талабларига мос бўлиши шарт.

Яйлов чорвачилигининг атроф-муҳитга таъсирлари

- Яйлов чорвачилигининг атроф-муҳитга салбий таъсирлари:
 - ўтлоқлар бўйлаб ташкил қилинган артезиан қувурли қудуқлари атрофида сунъий кўлларни пайдо бўлиши;
 - бу кўллардан сувнинг фойдасиз буғланиши, кўллар теварагида турли жонзот ва ҳашаротларни кўпайиши;
 - ҳайвонлар тўпланадиган жойлардан ёқимсиз ҳид тарқалиши;
 - ҳайвонларни чўмилтириш натижасида шаклланган ифлосланган сувларни ер остига шимилиши оқибатида ер ости сувларини ифлосланиши.

Энг асосийси яйлов чорвачилигининг ҳудудлари ҳайвонларни режасиз боқилиши оқибатида чўлга айланиш ҳодисасига жуда мойил бўлишади.

Яйлов чорвачилигининг сув мұхитига үзига хос таъсири

- Яйлов чорвачилиги сув объектларининг гидрокимёвий мұхитига үзига хос таъсир күрсатадилар.

Чорва ҳайвонларининг турар жойлари ва озиқланадиган жойлари аосоан кичик дарёлар бўйларида жойлашадилар. Бу фермаларда одатда тозалаш иншоотлари бўлмайди.

- Оқибатда бу фермалардан шаклланадиган ифлосланган сувлар тўғридан тўғри дарёга бориб тушади.

Бу сувлар таркибидаги органик бирикмалар дарё суви таркибидаги эриган кислород миқдорини камайтиради.

Айниқса дарёда сув камайган даврларда дарё сувида органик бирикмалар миқдори кўпайиб, рухсат этиладиган кўрсаткичлардан 30 ва ундан ортиқ мартаға ортиб кетади.

Яйлов чорвачилигининг атроф-муҳитга салбий таъсири мисоли

- Бир америкалик йирик фермернинг яйловда боқилаётган чорва моллари яхшигина даромад келтирас эди.
- У чорва ҳайвонларини боқиш учун у ўтлар яхши ўсадиган дарё қайиридан яйлов сифатида фойдаланаар эди. Ўтлоқда озуқа етарли бўлганлиги боис унинг қорамоллари доимо тўқ эдилар.
- Дарё ўзанини фермерга тегишли қисмида форель кўп эди. Фермер шу балиқни тутиб сотишдан ҳам яхшигина қўшимча даромад олар эди.
- Фермер ўтлоқдаги ҳайвонлари сонини кўпайтириб даромадини оширишга ҳаракат қиласверган.
- Оқибатда, ҳайвонларни режасиз боқиш яйловдаги озуқабоп ўтлар турларини камайтириб, бегона ўтларни кўпайишига сабаб бўлади.

Яйлов чорвачилигининг атроф-муҳитга салбий таъсири мисоли

- Дарё бўйидаги ўтлоқда пайдо бўлаётган бегона ўтларни камайтириш мақсадида турли усулларни қўллай бошлайди.
- Шулардан биттаси, кимёвий усул, яъни бегона ўтларни йўқ қилиш учун фермер гербицидлардан фойдаланишга ва гербицидларни самолётда сепишга қарор қиласди.
- Гербицидларни самолетдан сепилиши дарё бўйидаги дaraohтларни қуритиб ташлайди.
- Маълумки ўрмонлар табиатда сувни муҳофаза қилувчи вазифасини ҳам бажарадилар.

Яйлов чорвачилигининг атроф-муҳитга салбий таъсири мисоли

Иккинчи тарафдан ўрмондаги дарахтлар дарёда яшовчи бобёрлар учун уй ва озуқа манбаси эдилар.

Маълумки, бобёрлар дарёларни тўсиб тўғонлар қуришади. Бунинг учун улар дарахтлардан фойдаланишади.

Бизнинг ҳолатда, яъни қуриган дарахтлар муҳитида яшай олмаган - бобёрлар дарёning бу қисмини ташлаб кетадилар.

Бобёрлар қурган тўғонлар эса биринчи тошқиндаёқ бузилиб кетади.

Оқибатда дарёдаги сув сатҳи пастга тушиб кетади.

Яйлов чорвачилигининг атроф-муҳитга салбий таъсири мисоли

- Сувсиз қолган форель балиқлари ўлиб қутилишади.
- Дарё сув сатхининг пасайиши унинг яқинидаги ерлар ер ости сизот сувлари сатхини пасайиб кетишига сабаб бўлади, яъни яйловдаги ер ости сизот сувлари сатҳи ҳам пастлаб кетади.
- Сатҳи пастайган ер ости сувлари тупроқ намланишини камайишига олиб келади. Оқибатда сувсиз қолган ўтлоқ ҳам қурийди.
- Чорва ҳайвонлари учун озуқа қолмайди. Оқибатда чорвачилик фермаси ривожланиш ўрнига таназзулга юз тутди.

Чорвачилик (паррандачилик) мажмуалари

- Чорвачилик мажмуаларида ҳайвонлар бутун йил давомида ёки йилнинг айрим давларидаги махсус бинолар ичидаги ҳаракатлантирилганда боқилади.
- Чорвачилик мажмуаларида асосан йирик шохли қорамоллар сут ва гүшт етишириш учун боқилса, кичикроқ фермаларда майда ҳайвонлар (масалан, қуёнлар) гүшт ва мўйна учун боқиладилар.

Чорвачилик (паррандачилик) мажмуалари

- Паррандачилик мажмуаларыда товук, индюк, ўрдак, ғоз, бедана ва түяқуш каби құшлар боқылса, мүйначилик фермаларыда собол, песец каби йиртқичлар, нутрия, ондатра ва норка каби сувкаламушлар боқылади.
- Чорвачилик (паррандачилик) ва мүйначилик мажмуалари **сув истемолчилари саналадилар** ва **сув билан биринчи навбатда таъминланадилар**.

Чорвачилик мажмуаларида сув ишлатиш

Чорвачилик мажмуаларида сув қуидаги мақсадлар
үчун ишлатилади:

- ✓ чорва ҳайвонларини суғориш;
- ✓ чорва ҳайвонларини чўмилтириш;
- ✓ чорвадор ва ишчи-хизматчиларни ичимлик суви
билин таъминлаш;
- ✓ чорвадор ва ишчи-хизматчиларга мақбул иш
шароитини (санитар-гигиеник ҳолат) яратиш;
- ✓ тайёр махсулот ишлаб чиқариш;
- ✓ идишларни ювиш;
- ✓ “гўнг”ни ювиб бинони ичидан чиқариб ташлаш;
- ✓ ҳудудни кўкаламзорлаштириш;
- ✓ ўт ўчириш.

Чорвачиликда сув истеъмоли меъёрлари

Чорва ҳайвонларининг сув истеъмоли меъёрлари чорва ҳайвонларининг тури ва ёшига боғлиқ тарзда соҳа учун белгиланган меъёрлар асосида тайинланади.

| Ҳайвон (йирик) тури | л/сут |
|------------------------------|-------|
| Сигирлар (соғин) | 100 |
| Сигирлар (бўрдоқи) | 70 |
| Сигирлар (новвос ва ғунажин) | 60 |
| Сигирлар (ёш бузоқлар) | 30 |
| Отлар (ишчи) | 60 |
| Отлар (зотдор) | 80 |
| Тойлар (1,5 ёшгacha) | 45 |
| Чўчқалар (болалари билан) | 60 |
| Чўчқалар (болаларисиз) | 25 |

| Ҳайвон (майда), парранда ва бошқалар | л/сут |
|---|-------|
| Қўйлар (эчкилар) | 10 |
| Қўзичоқлар (улоқлар) | 5 |
| Товуқ | 1 |
| Индуқ | 1,5 |
| Ўрдак ва ғоз | 2 |
| Сувкаламушлар (мўйна) | 3 |
| Тулки (мўйна учун) | 7 |
| Қуёнлар | 3 |

Чорвачиликда истеъмол қилинадиган сувнинг сифатига қўйиладиган талаблар

- Чорвачиликда ҳайвонларни суғориш учун ишлатиладиган сув тоза, тиник ва сифати бўйича хайвонлар соғлиғига зарар етказмайдиган бўлиши талаб қилинади.
- Чорвадорлар учун, сут сакловчи идишларни ювиш учун мўлжалланган сувларнинг сифати Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти O'zDSt 950:2011 “Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифати устидан назорат” талабларига тўлиқ мос бўлиши шарт.

Чорвачилик мажмуалари чиқит сувлари

- Чорвачилик мажмуаларидан шакланадиган чиқит сувларнинг микдори (меъёри) чорва ҳайвонлари тури ва ёшига, ҳамда уларни сақланадиган жойлари шароитларига боғлиқ.
- Ҳисоб китобларда чиқит сувларнинг микдори истеъмол қилинаётган сувнинг 80-90%ига тенг деб олинади.
- Чорвачилик мажмуаларининг чиқит сувлари таркибида асосан катта микдордаги муаллақ заррачалар, биоген элементлар, органик бирикмалар, фосфатлар, хлоридлар ва қуруқ қолдиқ каби ифлосликлар кўп микдорда бўлади.

Чорвачилик чиқит сувлари таркибидағи ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори

| Хайвонлар | Ифлослантирувчи моддалар, 1 бosh учун г/сут | | | | | |
|------------------|---|-----|--------------|--------|--------|--------------|
| | Муаллақ зарралар | КБТ | Азот-аммоний | Фосфат | Хлорид | Құруқ қолдик |
| ЙШҚ | 4530 | 530 | 180 | 45 | 18 | 700 |
| Бузоқлар | 3680 | 416 | 92 | 27 | 8 | 500 |
| Отлар | 3850 | 452 | 161 | 39 | 16 | 500 |
| Тойчоқлар | 3520 | 409 | 95 | 30 | 9 | 350 |
| Чүчкалар (катта) | 405 | 113 | 27 | 9 | 6 | 120 |
| Чүчкалар (ёш) | 203 | 67 | 19 | 6 | 4 | 75 |
| Паррандалар | 27 | 7 | 1,6 | 1,4 | 3 | 10 |
| Қўйлар | - | | | | | 180 |

Чорвачилик мажмуалари чиқит сувлари

- Чорвачилик мажмуларининг чиқит сувлари атроф-муҳитга чиқарилишидан олдин тинчлантирилади ва маҳсус тозалаш иншоотларида тозаланади.
- Чорвачилик мажмулари чиқит сувларини тозалаш, сифатини яхшилаш үчун сув тозалашнинг **механик** ва **биологик** үсуслари алоҳида ёки биргаликда қўлланилади.
- Чорвачилик мажмуларининг тозаланган чиқит сувлари таркибида асосан катта миқдордаги муаллақ заррачалар, биоген элементлар ва органик бирикмалар кўп кузатилади.

Чорвачилик мажмуаларининг атроф-муҳитга таъсирлари

- Чорвачилик мажмуалари атроф-муҳитга, айниқса сув муҳитига ўзига хос салбий таъсир кўрсатадилар.
- Чорвачилик мажмуаларининг атроф-муҳитга таъсирлари:
 - ҳайвонлар тўпланадиган жойлар ва чорвачилик мажмуаларининг чиқиндилари йиғиладиган жойлардан ёқимсиз ҳид тарқалиши;
 - чиқит сувларни ташланиши оқибатида сув объектларини ифлосланиши - суви сифатини ёмонлашиши рўй беради.

Бунда сув ресурслари лойқалик - муаллақ заррачалар, биоген элементлар ва органик бирикмалар билан ифлосланади.

- Салбий таъсирни камайтириш учун чиқит сувларни тозалаш ва сувларни экинларни суғоришда қайта ишлатиш тавсия қилинади.